Овқат миқдорини белгилашда об-ҳаво, иқлим ҳисобга олинади, яъни ёзнинг иссиқ кунлари овқат таркибида гўшт, ёғ каби қийин ҳазим бўладиган ва кўп энергия ҳосил қиладиган моддалар камайтирилиб, мева, сабзавот ва углеводлар кўпайтирилади. Қиш фаслида эса, юқорида айтиб ўтганимиздек, овқат таркибида гўшт, ёғ маҳсулотлари миқдори кўп бўлиши талаб этилади. Чунки совуқ вақтда одам организмидан ташқи муҳитга иссиқлик ажратилиши кўпаяди. Озиқ моддлар парчаланишидан ҳосил бўладиган энергиянинг учдан икки қисми тўқима ва органлар ҳаётини жараёнларининг нормал ўтиши ва иш бажариши учун сарфланади, учдан бир қисми эса тана ҳароратининг доимийлигини таъминлаш учун сарфланади.

Энергия сарфи. Одам организмида бир сутка давомида сарфланадиган энергия уч қисимдан иборат:

1. Асосий моддалар алмашинувини таъминлаш учун сарфланадиган энергия. Бу энергия эрталаб – наҳорда ва кечаси одам қимирламай ётган вақтда нафас олиши, юраги, буйрақлари, жигари ва бошқа ҳаётий муҳим органлари нормал ишлаб туришини таъминлаш учун сарфланади. Бу энергиянинг миқдори одамнинг 1 кг тана массасига 1 соатда 1 ккалга тенг. Тана массаси 70 кг бўлган одам учун бир кеча-кундузда асосий моддалар алмашинувини таъминлашга сарфланган энергия миқдори 1680 ккалга тенг.

2. Овқатни ҳазим қилишга сарфланадиган энергия. Истеъмол қилинган овқатни ҳазм қилиш учун ошқозон-ичаклар, жигар, ошқозон ости бези каби органларнинг иши кучаяди ва улар энергия сарфлайди. Сарфланадиган энергиянинг миқдори овқат таркибига боғлиқ, яъни оқсил, ёғларга бой бўлган овқатлар (айниқса, қоврилган гўшт, кабоб, палов, тухум кабилар)ни ҳазм қилишга кўпроқ энергия сарфланади. Углеводларга бой бўлган овқатлар (нон, картошка, мевалар, сабзавотлар, ширинликлар, хамирли,

таомлар)ни ҳазм қилишга озроқ энергия сарфланади. Аралаш овқатларни ҳазм қилишга сарфланадиган энергиянинг 10% ни ташкил этади. Демак, бу энергиянинг миқдори катта одамда бир кеча-кундузда 168 ккал га тенг .

а. Одам бир кеча-кундузда бажарадиган ишга сарфланадиган энергия.

Бу энергиянинг миқдори ҳар бир одамнинг касбига, кўп ёки оз ҳаракатланишига боғлиқ. Ақлий меҳнат билан шуғилланувчилар кам энергия сарфлашади. Жисмоний меҳнат билан шуғилланувчилар, спортчилар кўп энергия сарфлашади. Масалан, одам ўртача тезликда юрган вақтда унинг организми сарфлайдиган энергия миқдори асосий моддалар алмашинуви учун сарфланадиган энергия миқдorigа нисбатдан икки мартда кўпаяди ($1680 \times 4 = 6720$ ккал). Умуман, бажарадиган ишнинг турига кўра, бир суткада сарфланадиган энергия миқдори турлича, яъни 1000-6000 ккал гача бўлиши мумкин.

Бажарадиган ишнинг турига ва сарфланадиган энергия миқдorigа кўра, барча ишловчи одамлар беш гуруҳга бўлинади.

биринчи гуруҳга аксарият енгил меҳнат, ақлий меҳнат билан шуғилланувчилар киради, яъни илмий ходимлар, журналистлар, идора ходимлари, раҳбарлар, ЭҲМ операторлари назоратчилар, ўқитувчилар, диспечерлар, пулт бошқарувчилари. Улар организми бир суткада сарфланадиган энергия миқдори 2500-3000 ккал га тенг (асосий моддалар алмашинуви, овқат ҳазим қилишга ва бажарадиган ишга сарфланадиган энергия йиғиндиси);

иккинчи гуруҳга механизациялашган жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилар киради. Мазкур гуруҳга саноат моллари сотувчилари, алоқачилар, ҳамширалар, санитарлар, талабалар, тикувчилар, радиоэлектрон саноати ходимлари тарозибонлар, агрономлар, ҳайдовчилар, конвеерда туриб ишловчилар ҳамда маиший соҳа бўйича хизмат қилувчилар киради. Улар бир суткада 3000-3500 ккал энергия сарфлайди.

учунчи гуруҳга механизациялашган жисмоний меҳнат билан, шунингдек, ўртача оғирликдаги жисмоний меҳнат билан шуғилланувчилар киради. Уларга чилангарлар, дастгоҳларда ишловчилар, ва уларни созловчилар, афтобус, экскаватор, бульдозер ҳайдовчилари, жарроҳлар, темир йўлчилар, кимёвий завод ишчилари мансуб саналади. Уларнинг бир кеча кундузлик энергия сарфи 3500-4500 ккални ташкил этади. Мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғилланувчилар ҳам шу гуруҳга киради.

тўртинчи гуруҳ механизациялашмаган оғир жисмоний меҳнат билан шуғилланувчилар, яъни пахтакорлар, сут соғувчилар, полиз ва сабзавотчилик билан шуғилланувчилар, қишлоқ хўжалик экинлари суғорувчилар, қурувчилар,

ёғочга ишлов берувчилар, металлурглр киради. Бу гуруҳга кирган одамларнинг суткалик энергия сарфи 4500-8000 ккални ташкил этади.

бешинчи гуруҳни кундалик фаолият энг оғир меҳнат билан боғлиқ– бетончилар, дарахт кесувчилар, ғалла ва бошқа донларни ўриб-йиғиб олувчилар, пичан ва беда ўрувчилар, юк ташувчилар ташкил қилади. Шунингдек, юқори разрядга эга бўлган спортчилар ҳам шу гуруҳга мансуб. Сарфланадиган қувват сарфи ўзгариши мумкин, чунки вақт ўтиши билан меҳнат шароити ўзгариб боради, ишлаб чиқаришда турли ёрдамчи воситалар пайдо бўлади. Маълумки 1г оксил организмда кислород билан оксидланиб парчаланганда 4,1 ккал, 1г ёғ-углевод-4,1 ккал энергия ҳосил қилади. Демак, кеча-кундузлик овқат таркибида истеъмол қилинган оксил, ёғ углеводларнинг миқдорига қараб, ҳосил бўлган энергиянинг умумий миқдорини аниқлаш мумкин. Бу энергия миқдорини бажарилган иш турига қараб сарфланган энергия миқдорига таққослаш мумкин. Соғлом, катта ёшлик одамда суткалик овқатдан ҳосил бўладиган энергия миқдори сарфланадиган энергия миқдорига тенг бўлиши керак. Организмда ҳосил бўладиган энергия миқдори сарфланадиган энергия миқдорига нисбатдан кам бўлса, одам танасидаги ёғ парчаланиб, энергия ҳосил қилади. Бундай жараён бир неча кун, hafta давом этса одам озади. Шунини **такидлаш** жоизки, ёшларда истеъмол қиладиган овқатдан ҳосил бўладиган энергия миқдори сарфланадиган энергияга нисбатдан кўпроқ боўлиши лозим. Чунки маълум миқдордаги энергия ёш организмнинг ўсиши ва ривожланиши учун сарфланади.

Бугун ақлий ва енгил жисмоний меҳнат билан шуғилланадиганлар кўп. Уларнинг суткалик энергия сарфи 3000-3500 ккални ташкил этади. Шундан 1200-1500 ккал энергия ҳар куни жисмоний меҳнатни бажаришга сарфланиши лозим. Агар жисмоний меҳнат қилиш зарурияти бўлса, спорт билан шуғилланиш керак. Инсоннинг тўғри ҳаёт кечириши учун фақат у сарфланаган энергия қоплаш кифоя бўлиб қолмай, балки оксиллар, ёғлар, карбонсувлар, минерал элементлар, витаминлар қайси нисбатдан бўлишининг аҳамияти ҳам катта. Умуман олганда, барча озуқа моддаларига бўлган эҳтиёжни қондириш муҳимдир.

4. ЙИЛ ФАСЛЛАРИ ВА ОВҚАТЛАНИШНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ

Ер куррасининг қуёш атрофида йил давомида бир маромда айланиши йиллик, ўз ўқи атрофида айланиши эса суткалик даврий ҳаракатларни юзага келтиради. Бунинг натижасида йил фасллари ҳамда кеча-кундуз доимий равишда алмашилиб, ҳар қайси ҳолат ер юзида ўзига хос ўзгаришлар келтириб чиқаради. Бу ўзгаришлар эса қуёшдан ерга йўналтирилган тегишли кучларга асосланган бўлиб, ўз ўрнида маълум биоритмларни вужудга келтиради. Улар йиллик, ойлик, кунлик биоритмлардан иборат бўлиб, ҳар қайсиси ердаги тирик табиатга ўзига хос ҳолда таъсир ўтказади. Масалан, куз пайтида дарахтларнинг барги тушади, қишда уйқуга кетади, баҳорга келиб уйғонади ва ҳоказо. Айнан мана шу биоритмлар туфайли ҳамма жонзот, шу жумладан, одам организми ҳам тегишли ўзгаришларга учрайди. Бу борада академик И.П.Павловнинг “Инсон организмида ритмдан кучли ҳукмрон йўқ. Ҳеч бир аъзо ритм измидан чиқиб кетолмайди” деган ибораси жуда ўринлидир. Биз хоҳласак ҳам, хоҳламасак ҳам айтиб ўтилган биологик ритмларга мос равишда барча физиологик функциялар сусаяди ёки кучаяди. Шу боис йилнинг турли фаслларида истеъмол таомларининг ҳазм бориш жараёни ҳам ўзига хос ўзгаришларга учрайди. Организмда кузатиладиган ҳар қандай фаоллик қўшимча энергия сарфлаш билан амалга оширилади. Бу ҳол ўз навбатида моддалар ва энергия алмашинувининг кучайишига туртки бўлади.

Баҳор фаслида тўғри овқатланиш. Баҳор келиши билан кўпчилик ўзини оғир, хориган, эринчоқ ҳолда сезади. Хўш, бунинг сабаби нимада ва ундан кутилиш учун нима қилмоқ керак? Баҳорга келиб ҳужайра ва тўқималарнинг жадал ҳолда янгиланиши, гормонлар, ферментлар каби биологик фаол моддаларнинг кўпайиши сабабли асосий (оқсиллар, ёғлар, углеводлар) ва қўшимча озик моддалар (витаминлар, минерал моддалар) га талаб анча кучаяди. Улардан витаминлар ҳамда маъданли моддалар одатдаги миқдорда истеъмол қилинадиган таомлар таркибида маҳсулотларнинг (мева-чевалар, сабзавотлар ва бошқалар) ўзоқ вақт сақланганлиги учун анча камайиб қолган бўлади. Боз устига, қиш давомида организм шамоллаб қолмаслик, юқумли касалликлар, масалан, грипп билан курашиб ўзидаги барча захира имкониятларни сарфлаб қўяди. Баҳор кунлари атмосфера босими, ҳарорат каби омилларнинг тез-тез ўзгариши ҳам анчагина чарчаган организмнинг янада жадаллик билан ишлашини талаб қилади. Бир сўз билан айтганда, баҳорга келиб организмда одатдаги бир маромда кечадиган физиологик жараёнларнинг боришида қисман

бўлсада нуқсонлар пайдо болади ва шулар туфайли танамизда айтиб ўтилган нохушликларни сезамиз. Қайд қилинган нуқсонларнинг юзага келишида айнан микронутриентлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ферментлар фаоллиги эса ўз навбатида витаминлар ҳамда маъданли моддаларнинг етарли бўлишига боғлиқ, уларнинг айримлари бевосита у ёки бу фермент таркибига кирса, бошқалари бўладиган реакцияларни бошқариб боради. Ушбу тизимнинг барқарор иши организм ҳолатини белгилайди. Бу тизим ишламаса организмда моддалар ва энергия алмашинуви жараёнларининг меъёрий бориши бузилади. Киши дармонсизланади, тинкаси қуриб ҳолсизланади, уйқуси келади ва ҳоказо. Организм мана шу ҳолга тушганида уни “Илик узилиш” даври деб бекорга айтилмаган. Соғлом, ишлаб чарчамайдиган, турли хил ноқулайликларга чидамли одамларни “илиги тўла” деб номлашган. Ҳақиқатан ҳам илик ёғи етарли бўлганларда қон доим керакли микдорда ишлаб чиқарилади. Бу ҳол ўз навбатида кишини куч-қуватга бой, чидамли қилади (кам қонлиларнинг дармонсизлиги, касалликларга берилувчан бориши сир эмас). Баҳор фаслида юзага келадиган бундай нохуш ҳолатни ўз вақтида бартараф қилиш, айниқса, ёшлар ҳаётида алоҳида ўрин тутаяди. Мактаб, лицей ва коллеж ўқувчиларининг организми моддалар ва энергия алмашинувининг жадаллиги билан бошқаларникидан фарқ қилиб айни шу даврда истеъмол таомларидаги бирон бир компонентнинг танқислиги (масалан, айрим витамин ёки минерал моддалар, тола қийматли оксиллар ва ҳоказолар) уларнинг меъёрий ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир қилиши мумкин. Бундай пайтлари серҳаракат ёшларда углеводлар ва ёғлардан ташқари ҳатто оксиллар ҳам жисмоний фаолиятни таъминлаш учун ўз энергиясини сарфлаб, ўзларининг асосий функцияси бўлмиш янги ҳужайралар ҳосил бўлиши учун пластик материал бўлиб хизмат қила олмай қолади. Озиқ модда етишмаслиги туфайли нуқсон билан шаклланган ўсувчи организм (у маълум ойлар давомида ўзидаги маълум аъзо ва тизим функцияларининг шаклланиб бориши билан характерланади) шу ҳолича қолади. Шундан кейин унга тўлиқ рационаллаштирилган овқатлар ҳар қанча кўп берилмасин, меъёрий вазиятнинг тикланиши амри маҳол. Айтиб ўтилган “илик узилиши”ни бартараф қилишда кишилар сумалак, ҳалим ва ҳар хил кўкатлардан тайёрланган сомса, манти, чучваралардан фойдаланишган. Бу таомлар таркибида айтиб ўтилган микронутриентлар мўл бўлиб, улардан тановвул қилиб туриш чарчаб - хориб қолган организмни ўз ҳолига келтиради. Гап микронутриентларда эканлигини шу билан исботлаш мумкинки, агар “илик узилди” ҳолатига тушган кишини қанчалик гўштли, ёғли иссиқ овқат билан таомлантирманг, улар энергия,

айрим маъданли моддаларга бой бўлишига қарамасдан натижа ижобий бўлмайди, чунки айтиб ўтилган микронутриентларнинг битта, иккитаси етишмаслиги туфайли қайд қилиб ўтилган тизим қониқарли ишламайди. Шу нарсани ҳам эсдан чиқармаслик керакки, микронутриентлар танага фақатгина истеъмол қилинадиган овқат, ичиладиган суюқликлар (сув, шарбат ва бошқалар) билан киради ҳамда захира сақланмайди. Шунинг учун ушбу озик моддалар етарли бўлган таомларни киши доимий суратда истеъмол қилиб туриши керак. Тўғри (рационал) овқатланишнинг моҳияти ҳам шунда, биз ейдиган таомлар ҳам миқдори, ҳам сифати, ҳам таркиби билан вужудимиз талабини тўлиқ қондириши керак. Кўпчилик овқатланишни қорин тўйса бўлгани деб тушунади, ваҳоланки, овқатдан тўйиш билан барча озик моддаларга вужудимиз талаби бажарилди дейиш нотўғри. Шунинг учун ҳар ким организм хусусиятларидан (ёши, жинси, қиладиган меҳнати, яшаш шароитлари ва бошқалар) келиб чиққан ҳолда ўзи ейдиган истеъмол таомларини назорат қилиб бориши лозим.

Баҳор ойларига келиб, қайд қилганимиздек, вужуднинг витаминлар ва маъданли моддаларга бўлган талаби анча юқори бўлади ва уни қондириш учун куйидагиларга амал қилиш лозим:

Биринчидан, ҳар куни камида 500 г чамаси сабзавотлар, мева-чева, кўкатлаларни бўлиб-бўлиб (100—150 г), ҳар овқатланишдан 20—30 дақиқа олдин истеъмол қилиш керак. Иложига қараб, бу маҳсулотларнинг ҳар хил рангли (сарик, қизил, бинафша, яшил ва бошқалар) бўлишига эришилса янада яхшироқ бўлади. Маҳсулотларнинг рангига қараб уларнинг таркибида тегишли витаминлар, айрим маъданли моддалар оз ёки кўп бўлади.

Иккинчидан, ҳар хил сабзавотлардан тайёрланган салатларга бироз ўсимлик ёғи (масалан, кунгабоқар ёғи) аралаштириш мақсадга мувофиқ. Шундай қилинганида, ёғ билан унда эрувчи витаминлар қабул қилинади ва таомдаги бошқа витаминлар, шунингдек, маъданли моддалар ичакларда яхши сўрилади.

Учинчидан, рафинациялаштирилган маҳсулотлар (масалан, кепаги тамоман қолдирилмаган ун, шундай ундан тайёрланган нон ва ҳар хил пишириклар ўрнига дағалроқ, пўстидан обдон ажратилмаган дон маҳсулотлари (ёрма, қора нон ва бошқалар) солинган таомлар тановвул қилишга ўтиш. Чунки, дон маҳсулотларининг кепаги, яъни пўсти микронутриентларга маҳсулотнинг мағзига нисбатан жуда бой бўлади. Унда айниқса В гуруҳ витаминлари кўп. Боз устига бундай озик моддалар истеъмол қилинганида ошқозон-ичак тизими жадал ишлайди, сўрилиш ва ажратиш жараёнлари яхшиланади. Фақат юқори даражада

рафинациялаштирилган маҳсулотлар билан озиқланишда қайд қилинган фойдали моддалар жуда кам миқдорда қабул қилинади ва ҳазм аъзоларининг ҳаракат функцияси пасаяди, ичаклар бўйлаб озиқ моддалар сўрилиши қийинлашади.

Тўртинчидан, ҳар куни творог ва шу каби сут маҳсулотларидан истеъмол қилиб туриш керак, уларнинг таркибида тўқима ва ҳужайраларнинг янгилиниши учун зарур бўлган тўла қийматли оксиллардан ташқари D, B₂ витаминлари ҳамда Са элементи мўл бўлади. Сут ва қатик кексайиб қолганлар учун асқотади.

Бешинчидан, икки-уч кунда бир марта гўштли таом истеъмол қилиб турилса, вужудимиз айтиб ўтилган оксилларга, В гуруҳ ҳамда А витаминларга зориқмайди.

Олтинчидан, ҳафтада камида бир марта балиқ ёки балиқ консервалари, жигар, 3—4 дона товук тухумидан тановул қилиш вужудни кўпгина витаминлар (А витамин, D витамин, Е витамин, В гуруҳ витаминлар ва бошқалар) ҳамда маъданли моддалар билан таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Шу нарсани алоҳида қайд қилиш жоизки, иложи борица витаминлар ва маъданли моддаларга бўлган талабни табиий ҳолда, яъни ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотлари билан озиқланиш орқали қондириш алоҳида аҳамият касб етади. Шундай қилинса, ушбу моддалар ошқозон-ичак тизимида жуда яхши сўрилади. Сунъий йўл билан синтез қилиб олинганлари (поливитаминлар, турли хил биоқўшимчалар) эса айрим пайтлар захарли хусусиятларга ҳам эга бўлиши мумкин. Шунинг учун микронутриентларга талабни қондираман деб дорихоналардан турли-туман витаминлар ва маъданли моддалар аралашмасини ичавериш доим фойда бермайди. Тайёр дармондорилардан фойдаланишда мутахассис маслаҳатига амал қилиш ушбу жараёнлар билан боғлиқ айрим нохушликлардан вужудни химоя қилади.

Вужудни витаминлар ва минерал моддалар билан бойитишда донларнинг (буғдой, арпа, мош, нўхат, ва бошқалар) ундирилган майсалари айниқса муҳим. Баҳор фаслида ушбу донларнинг ундирилишида тегишли ферментлар синтезланиб, улардаги мавжуд углевод, оксил ва ёғлардан қатор биофаол моддалар, шу жумладан, кўпгина витаминлар ҳосил бўлади. Боз устига уна бошлаган донда уларнинг фаоллиги юқори бўлиб, миқдори анча ошади. Масалан, В витамин ниш ўриб униб чиққан арпа майсасида қуруқ донига қараганда 25 марта, редиска уруғи майсасида эса А витамин 40 марта кўп бўлади. Бундай фарқни бошқа витаминларга нисбатан ҳам қайд қилиш мумкин. Шунинг учун, айниқса, ривожланган мамлакатларда

аҳоли ундирилган дон майсаларини нон ўрнида ейди. Шу йўл билан, биринчидан, танани микронутриентларга бўлган талаби табиий йўл билан осонгина таъминланади, иккинчидан, бундай таомлар таркибида целлюлоза, легнин, пектин каби озиқ толалари мавжуд бўлиб, улар ҳазм бўлмасида, муҳим функцияларни бажаради. Яъни, улар юқорида айтиб ўтилганидек, ошқозон-ичаклар ҳаракатини жадаллаштиради, қолдиқ озиқ моддалар ўз вақтида сурилиб, танани тарк этади. Озиқ толаларининг яна бир фойдали томони шундан иборатки, улар ўзлари билан ошқозон-ичак йўлига тушган айрим ёт ҳамда ҳазм жараёнида ҳосил бўлган баъзи бир захарли моддаларни ўзларига шимиб олиб чиқиб кетади, танани захарланишдан сақлайди. Ўта тозаланган, яъни рафинация қилинган маҳсулотлардан тайёрланган таомлар билан (олий нав ундан пиширилган нон, пишириклар ҳамда макарон маҳсулотлари ва бошқалар) овқатланувчиларнинг ошқозон-ичак тизимида юқорида айтиб ўтилган ижобий ҳолатлар ниҳоятда сусаяди, захарли моддалар қон ва лимфага сўрилиб кетади, ич қотиш ҳоллари юзага келиб киши турли-туман касалликларга чалинади. Ҳатто шу нарса ҳам аниқландики, озиқ толаларисиз таомланиш йўғон ичак саратон касаллигига олиб келар экан. Истеъмолда озиқ толаларига бой таомлар кўп ишлатадиган аҳоли (масалан, африкаликлар) орасида доим тозаланган, пўст-қобиқларидан холи қилинган овқат тановвул қилувчиларга (масалан, европаликлар) қараганда ушбу хасталик жуда кам қайд қилинган. Шунинг учун ҳам озиқ толаларига бой маҳсулотлар қўшилган таомлар еб туриш кони фойда. Биз севиб истеъмол қиладиган сумалакнинг сири ҳам айнан шунда, у ундирилган буғдой уруғидан янчиб олинган шарбатдан тайёрланади. Лекин ушбу шарбатга ун қўшилиб ўзоқ вақт қайнатилиши кўпгина витаминлар ва бошқа биологик фаол моддаларнинг парчаланиб, фаолсизланишига олиб келади. Шундай бўлсада, сумалакда қанд, оксил, озиқ толалари ва ёғлар аралашмаси киши билан маълум сабабларга кўра кучсизланиб қолган вужуд учун дармон эндирувчи ажойиб таом восита бўлиб хизмат қилади.

Ёзда тўғри овқатланиш. Ёз фасли, айниқса, иссиқ иқлимли ўлкаларда организмнинг барча физиологик функцияларига ўз таъсирини кўрсатиб, бу даврда овқат ҳазм бўлиши ва овқатланишга алоҳида эътибор бериш кишилар сиҳат-саломатлигини сақлаб қолишда, қатор хасталикларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Овқатланиш борасида ёз фаслининг ўзига хос бўлган хусусиятларидан бири иссиқ шароитда одатдаги ва айниқса, салқин, совуқ кунларга нисбатан озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёж моддалар ва энергия алмашинувининг пасайиши туфайли камади. Ёз пайтида овқатланишнинг мақсадга мувофиқ бўлиши ва у билан

боғлиқ касалликларнинг келиб чиқмаслиги учун қуйидагиларга риоя қилиш тавсия этилади:

Биринчидан, киш-баҳор фаслларидан ёзга ўтиш билан киши кийинишини ўзгартириб олиши сингари овқатланишда ҳам ўз рационини кўриб чиқиб, уни ёз фаслига мослаштириш лозим. Бундай овқат таркиби, миқдори ва сифати билан ёз фаслига баланслаштирилиши лозим. Масалан, кунлик рационда оксилларнинг умумий миқдори 15% дан ошмаслиги керак. Оксил манбаи ҳисобланган гўшт, парранда гўшти, балиқ маҳсулотларининг сут-қатиқ маҳсулотлари билан алмаштирилиши мақсадга мувофиқ. Сут, қатиқ, сузма ва бошқа шунга ўхшаган маҳсулотларда организмга керак бўладиган оксиллар мавжуд бўлиб, бир ҳафта-ўн кунда бир ёки икки марта балиқ, гўшт истеъмол қилиб, қолган кунлар сут-қатиқнинг рационга киритилиши организмнинг бемалол керакли оксиллар билан етарли даражада таъминлаб туриши мумкин. Ёз кунлари рациондаги ёғнинг миқдори ўртача 12% дан ошмаслиги керак. Бунинг ичига албатта ҳам ўсимлик, ҳам ҳайвон ёғлари тегишли миқдорда кириши лозим. Кунлик рационнинг қолган 70% дан кўпроқ қисмини карбон сувлар, яъни маълум миқдорда нон ва ун маҳсулотлари, мева ва полиз маҳсулотлари ташкил қилиши лозим.

Иккинчидан, ёз пайти углеводлардан моно- ва дисахаридлар, яъни ширинликлар (шакар, асал, ҳар хил қанд-қурслар ва бошқ.) киш кунлари истеъмол қилинганидан бирмунча кам бўлиши керак. Худди шунинг сингари рафинация қилинган тоза оқ унлардан тайёрланган пишириклар миқдори ҳам камайтирилиши мақсадга мувофиқ. Айтилган углеводлар ўрнига турли-туман мева, полиз маҳсулотлари истеъмол қилиш фойдалидир.

Учинчидан, шу нарсани эсда тутиш керакки, ёзга келиб организмнинг кислотали — ишқорий вазияти ўзгариб, бу ҳолат кўпинча кислотали томонга қараб силжийди. Кислоталиликнинг олдини олишда эса мева- чева ва полиз маҳсулотлари анча қўл келадиган озиқ моддалар ҳисобланиб, уларни етарли миқдорда истеъмол қилиб туриш ишқорий муҳитни яратади. Бу ҳолат организмда моддалар алмашинуви билан боғлиқ бўлган ҳар хил нохушликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, ёзга келиб сергўшт, ковурилган, ёғли ва дудланган таомларни минимал даражага туширган маъқул. Чунки улар ёзда қишдагидек истеъмол қилиб борилса, ҳазм аъзоларига кўшимча юклама тушиб, киши беҳузур бўлади.

Бешинчидан, ушбу фаслда организмда бошқа фаслларда истеъмол қилинадиган сув миқдори 1,5—2 марта ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши

мумкин. Чунки ичилган ва организмда ҳосил бўлган эндоген сувнинг асосий қисми танани совутиш мақсадида тери юзасидан буғланиб кетади. Тана совутилишининг асосий йўли бизнинг иссиқ иқлимли ўлкамизда терлаш бўлиб ҳисобланади. Муҳит ҳароратининг 30°C ва ундан юқори бўлиши моддалар алмашинуви натижасида юзага келган иссиқликнинг муҳитга ўтказиб юборилишида якка-ю ягона йўли ҳисобланади. Чунки иссиқликнинг муҳитга конвекция ва нурланиш йўли билан ўтказилиши тўхтайди. Суюқликлар қабул қилишда ошхонада асосий эътиборни кўк чой, мевалардан қилинган компот ва ҳар хил ўтлардан тайёрланган экстрактларни таклиф этишга қаратиш керак. Айниқса, бу нарса ёз кунлари жисмоний фаолият билан кўпроқ шуғулланадиган одамларга тегишлидир. Чунки улар организми бошқалар организмга нисбатан кўпроқ терлаб анчагина сув йўқотади.

Олтинчидан, ёзнинг иссиқ кунларида алкоғолли ичимликларни умуман ичмаслик ёки ниҳоятда кам миқдорда истеъмол қилиш тавсия қилинади. Чунки улар организмни сувсизлантиришга олиб келувчи воситалар бўлиб, иссиқ таъсирида кўп сув йўқотаётган организмга яна қўшимча юклама тушади. Яна шу нарса муҳимки, ёзги овқатланишда истеъмол қилинадиган турли-туман таомлар миқдори, масалан, шўрва, палов, лағмон, чучвара ва бошқалар одатдагидан бир оз кам бўлгани маъқул. Бу ҳол ошқозон ва ичакларнинг ўз вақтида бемалол қисқариб ва бўшашиб фаолият бажаришига олиб келади. Ошқозон овқатга тўла ҳолда қийин қисқариб бўшашади, натижада ҳазмланиш жараёни қийин кечади. Бу ўринда буюк Абу Али ибн Сино бобомизнинг “таомланганда меъданинг бир қисми ейилган овқат билан, иккинчи қисми суюқлик билан ва қолган учинчи қисми ҳаво билан толдирилиши керак” деган машҳур ўғитини эслаш фойдалидир. Шунинг учун ҳам доимо, айниқса, ёз кунлари ниҳоятда тўйиб овқатланиш ошқозон-ичак функциясининг бузилишига ва шу сабабли турли-туман нохушликларга олиб келишини унутмаслик лозим. Ёз пайтлари овқатланиш тартибига кўра нонушта, тушлик ва кечки овқатлар орасида камида 2 марта мева-чевалар ва полиз маҳсулотларидан тамадди қилиб олган маъқул. Шунда иштаҳа қисман “жиловланиб” киши ортиқча овқат ейишдан сақланади. Гўшт, балиқ каби маҳсулотлардан қийма қилиб тайёрланган овқатларга қараганда уларни майдаламаси, бўлак-бўлак қилиб истеъмол қилиш турли хил микроб ва бактерияларнинг тайёрланадиган таомларда кўпайиб кетмаслигини таъминлайди. Шу боис қиймаланган гўшт, балиқ, калла-почалардан тайёрланган сомса, котлет, чучвара, мантилардан фойдаланишда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак. Бундай қийманинг бирмунча туриб қолиши ёки музлатгичда 1—2 сутка давомида

сақланиши анча хавфли. Қиймаларнинг бевосита таом пиширилишидан олдин тайёрланиши мақсадга мувофиқ.

Кейинги пайтларда гастроэнтеролог ва нутрициолог ҳамда диетолог олимларнинг ўтказган тадқиқотлари соғлом одамлар учун ҳафтада бир марта аниқ бир белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан енгил-елпи озиқланиш, яъни парҳез таомланиш сиҳат-саломатлик учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бундай пайтлари кун давомида бўлиб-бўлиб фақат 1—1,5 л гача қатиқ ичилади ёки 2—2,5 кг гача тарвуз, бодринг ҳамда олма ва бошқа мевалардан истеъмол қилинади. Бундай таомланиш доимий равишда ишлаб турган ошқозон-ичак тизими учун “дам олиш” куни бўлиб ҳизмат қилади. Уни ўтказиш дастлабки пайтларда бирмунча ноқулайликлар, қийинчиликлар чақирса-да, кейинчалик организм бундай овқатланиш тартибига мослашиб кетади. Парҳез кунларидан кейинги овқатланиш ва овқат ҳазм қилиш тизимининг ишлаши анча енгил ўтиб, танадаги айрим ҳасталиклар чекина бошлайди ва аста-секин йўқолиши ҳам мумкин. Буларга мисол қилиб юрак маромининг бузилиши (аритмия), ҳафақон, уйқу бузилиши ва бошқаларни олиш мумкин. Бундай парҳезли кунлар, айниқса, вазни меъеридан оғир бўлган ёки семизлик таъсиридан азият чекувчилар учун айниқса қўл келади. Бир вақтнинг ўзида шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, айтиб ўтилган парҳез кунлари ҳаммада ҳам силлиқ ўтавермайди, айрим кишиларда бош айланиб, қайд қилиш ҳоллари, беҳузур бўлиш кузатилса, дарҳол парҳез қилиш тўхтатилиб, шифокорга мурожаат қилиш даркор.

Еттинчидан, ёзда таомлар тайёрлашда масаллиқларнинг эскирмаган, янги бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки ёз пайтлари айниқса бизнинг шароитимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг юқори ҳарорат таъсирида айнаши, бузилиши туфайли улардан заҳарланиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Ҳатто бугун тайёрланган овқатнинг ейилмай қолган қисмини эртаси куни ишлатиш учун совитгичларда сақланиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Бундай овқатда маълум микроб ва бактериялар кўпайиб заҳарланиш ҳолатига олиб келиши мумкин.

Ёзда суюқликлардан қора чой ҳамда кофе ичмаган маъқул. Шунингдек, газли ҳамда ширин ичимликлар ҳам чанқоқни қондиришда ярамайди. Айтиб ўтганимиздек, ялпизли чой, кўк чой, мевали компот, тоғ райҳони кўшиб дамланган чой организмнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондириб, бир вақтнинг ўзида витаминлар ҳамда маъданли моддалар билан вужудни тўйинтиради. Ёзда меваларни эрталаб еган маъқул. Овқат устидан ёки кечқурун ейилган мевалар ошқозонда бижғиш чақириб, анча безовта қилиши мумкин. Мевалар билан бир қаторда ёз кунлари турли-туман озиқ-

овқат маҳсулотлари билан кўкатлар (шивит, петрушка, кашнич) қўшиб истеъмол қилиниши танани витаминлар ҳамда маъданли моддалар билан бойитишда алоҳида аҳамиятга эга. Кўпинча лавлаги, сабзи ва шолғомларнинг илдизмевалари озиқ-овқат сифатида ишлатилиб, уларнинг баргларидан фойдаланилмайди. Лекин бу барглари витаминлар ва маъданли моддаларга илдизмеваларига нисбатан анча бой бўлади. Шунинг учун улардан турли хил салатлар тайёрлашда ёки иссиқ овқатлар пиширишда фойдаланиш тавсия қилинади.

Ҳавонинг иссиқ кунлари организмнинг жисмоний иш қилиш қобилияти сезиларли даражада пасайиб кетади. Муҳит ҳарорати $+26^{\circ}\text{C}$ дан ошганидан кейин ҳар бир қўшимча градус иссиқлик иш қобилиятини бир неча фоизга пасайтиради. Шунинг учун ёз кунлари ошқозон-ичак тизимида ҳазм бўлиши қийин бўлган маҳсулотларнинг таркиби шуларга яқин, бироқ ҳазм бўлиши осон таомлар билан алмаштирилиши лозим. Айниқса, ёғли гўшт, қовурилган балиқ ва бошқалар иссиқдан қийналган организмни янада қийнайди. Бу ўринда тез тайёрланган гамбургерлар ва шунга ўхшаш бошқа таомлардан умуман емаган маъқул.

Сут-қатикни ёз кунлари хона ҳароратида узоқ вақт сақлаб бўлмайди.

Тана вазнини камайтирувчилар учун ёз фасли тўғри овқатланишни ташкил қилиш ва ўтказиш яхши натижа беради. Чунки ушбу вақтда мол-кўл бўлган сабзавот ва мевалардан кўплаб фойдаланиш орқали истеъмол таомларининг қувватини (энергиясини) осонлик билан камайтириш мумкин. Бу тартибда овқатланишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири кам энергияли озиқ моддалар истеъмол қилиш билан бир вақтнинг ўзида организм ўзига керакли бўладиган микронутриентлар (витаминлар ва маъданли моддалар) га бўлган талабини бемалол қондира олади.

Ёз ойларида шуни эсдан чиқармаслик керакки, ҳароратнинг ҳар 10% га кўтарилиши вужудда бўладиган моддалар алмашинуви билан боғлиқ бўлган кимёвий реакцияларни икки бараварга оширади. Шунингдек, иссиқликнинг 10°C га ошиши иштаҳани 10% га камайтириб боради.

Ёз кунлари организмнинг юқори даражада исиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида танлаб овқатланишни кишилар қадим замонлардан бери билишган, бунга мисол қилиб улар овқатланишда айрон, чалоп ва ҳар хил салқин, суяқ овқатлардан фойдаланиб келганлигини олиш мумкин.

Ёз фаслида овқатланиш масалаларида тегишли ўзгаришлар қилиш зарурлиги ҳақида айтиб ўтдилди. Лекин овқатланишдаги бундай ўзгаришлар кескин равишда дарҳол амалга оширилмаслиги керак. Чунки организм қиш ва баҳор фаслларида овқатланиш миқдори, таркиби ва сифатига чуқур мослашиб қолган бўлиб, ёзга келиб янги тартибга ўтиш

аста-секинлик билан (камида бир ҳафта — ўн кун давомида) амалга оширилиши лозим.

Кузда тўғри овқатланиш. Куз ойлари ёзнинг иссиқ кунлари ўтиб мезон тушади, об-ҳаво бирмунча салқинлашади, жисмоний ва ақлий меҳнат қилиш жазирама пайтларидек оғир кечмайди, киши анча фаол бўлади. Қайд қилинган фаоллик қўшимча энергия сарфланишини тақоза қилади, иштаҳа анча кучаяди ва бунга жавобан таомланишда тегишли ўзгаришлар содир бўлади. “Ёзлиги” бўлмаган, яъни ёзда ёғли, оксилли овқатларга иштаҳаси бўлмай фақат қовун, тарвуз, чалоп, айрон, чой, сув ичиб юрганлар кузга келиб олдин хуш кўрмаган таомларни истеъмол қила бошлайди, танаси кучга кириб бирмунча семира бошлайди. Бу пайтга келиб экин-тикинлар йиғиб олинади, ранг-баранг олма, анор, хурмо, узумлар ғарқ пишиб, таркибида танага куч-қуват берадиган, осон ҳазм бўлувчи углеводлар, витаминлар макро ва микроэлементлар ҳамда бошқа биофаол моддалар максимал даражада бўлади. Шунинг учун бобо деҳқонлар мезон шамолини еган мевалар, полиз маҳсулотлари вужуд учун энг фойдали, улардан тўйиб-тўйиб баҳраманд бўлиш “иликни толдиради”, одам ишлаб чарчамайдиган бўлади, қишдан яхши чиқади, деб қайд қилишади. Ҳақиқатан ҳам, олиб борилган илмий-тадқиқотлар кузда яхши пишириб узиб олинган мева-сабзавотларда макро ва микроэlementлар юқори даражада мол бўлишини тасдиқлайди. Энг муҳими, уларнинг бир-бирига нисбати организмга яхши ўзлаштирилиши учун маъқбўл ҳолатда бўлади. Вақт ўтиши билан кислород, ёруғлик ва бошқалар таъсирида бу нисбат ўзгариб меваларнинг фойдалилик даражаси камаяди. Шундай экан, ширин-шакар мевалардан кенг кўламда фойдаланиш кузда тўғри овқатланишнинг асосини ташкил қилади. Кузга келиб ёруғ кунлар қисқарганлиги боис кайфият бироз ёмонлашиб киши баъзан маюсланади. Мана шундай пайтлари ширинлик истеъмол қилишга мойиллик ошади. Ширинликлардан оддий шакар меъеридан ортиқ ейилса фойдасидан кўра зарари кўп эканлиги маълум. Шунинг учун ва бироз табиий ширинликлардан (асал, лавлагилар, тут шинниси, шакар қўшилиб тайёрланадиган мурабболар ва ҳоказо) фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Куз ойлари организм учун фойдали озиқалардан картошка муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, у пўсти билан пиширилса истеъмол учун керакли микроэlementлари (шу жумладан, витамин С ва маъданли моддалар) яхши сақланади. Кузда далалардан йиғиб олинган қарам, сабзи, шолғом ва лавлагилар ҳам бу борада вужудни керакли моддалар билан таъминлашда тенги йўқ озиқа ҳисобланади. Уларни ҳар куни турли салатлар ҳолида истеъмол қилиб туриш айтиш муддао.

Кузда пишиб етиладиган фойдали полиз маҳсулотларидан бири — лавлагидир. Лекин унга аксарият ҳолларда шакар олинадиган маҳсулот сифатида қаралади. Тўғри, кундалик турмушда ишлатиладиган шакар асосан лавлагидан ишлаб чиқарилади. Лекин инсон учун лавлагининг бошқа фойдали жиҳатлари ҳам борки, уларни билиш сиҳат-саломатлик учун кони фойда. Кишилар унинг шифобахшлилигини билиб-билмасдан азалдан кенг кўламда истеъмол қилиб келишган, агар XII асрдан бошлаб лавлаги моллар учун ем сифатида ишлатилган бўлса, XVII—XIX асрларга келиб ундан дастлаб жўн (оддий) ҳолда, кейинчалик мукаммал равишда шакар олина бошланган.

Лавлаги шўрагуллилар оиласига мансуб бўлиб, икки йиллик илдизмевали ўсимлик. Биринчи йили илдизмева қилиб озуқа тўплайди, иккинчи йили илдизида йиққан маҳсулотини гул ва уруғи учун сарфлайди. Экмаси қизилча, хашаки ва қанд лавлагиларга бўлинади. Шакар асосан қанд лавлагидан олинса (унинг таркибида 23% гача шакар бўлади), хашакиси молларга бериладиган тўйимли озуқа. Қизил лавлаги эса турли хил овқатлар (масалан, карам шўрва), салатлар тайёрлашда хуруш сифатида ишлатилади ва дориворлик хусусиятига эга. Озиқ ва доривор модда сифатида кўпинча унинг фақат илдизмевасигина ишлатилади, лекин лавлагининг қизғиш поячали барги айрим хусусиятлари билан инсон учун фойдалилиги юқори. Масалан, илдизмевада витамин С миқдори 10 мг% бўлса, баргида 20—50 мг% гача чиқади. Лавлаги баргидан мазали ва фойдали салат тайёрлаш мумкин. Бунинг учун яхши ўсиб турган барглар (поячаси билан) йиғиб олинади, ювиб тозаланганидан кейин қаламча қилиб кесилади. Поячалар ажратилиб тузли сувда 2—3 минут қайнатилади. Шундан кейин у совутилиб, яна майдалаб кесилади ва барги билан биргаликда сметана ёки майанез солиб аралаштирилади, кейин устига шивит майдалаб сепилади (миқдори: 200 г лавлаги барги, 30 г шивит, 75 г сметана). Ундан долмали овқат тайёрлашда карам баргига ўхшаб фойдаланса ҳам яхши бўлади.

Илдизмева таркибида оқсиллар (1,7%), кам миқдорда ёғ, клетчатка, витаминлардан В гуруҳ, Р, РР лар, пантотен кислота, каротин, пектин, липотроп моддалар, органик кислоталар, азотли моддалар, минерал моддалардан йод, калий, темир, калций тузлари, кобалт бўлади. Қайд қилинган моддалардан органик кислоталар, клетчатка, ранг берувчи модда —бетаин ошқозон-ичак тизимининг ҳаракатини, айниқса, озиқ моддаларнинг юқоридан пастга силжишида ичак қисқаришини яхшилайдди. Шу нарсани қайд қилиш жоизки, бетаин моддаси В гуруҳ витаминларга кирувчи холиндан (холинхлорид) ҳосил бўлади ва қатор биологик фаол

моддалар ҳисобланган метионин, адреналин, креатин, нуклеин кислоталар синтезида иштирок этади ва у қон томирлари атеросклерози, юрак касалликлари, Хотиранинг пасайиб кетиши касаллиги, қандли диабет, шунингдек, артериал гипертония касалликларининг олдини олишда катта аҳамият касб этади. В гуруҳ витаминлардан лавлагида В₉ ёки фолий кислотаси ёки фолат анча сероб. У, айниқса, она болишга тайёрланаётган аёллар учун муҳим. Ушбу витаминнинг етарли боклиши бола ривожланишининг она қорнида бенуксон кечишини таъминлайди. Лавлагидаги полисахарид пектин ошқозон-ичак тизимида оғир металлларнинг тузларини бириктириб, организмдан нажас билан олиб чиқади, нотўғри аралаш-қуралаш овқатланиш туфайли юзага келадиган захарли моддаларни зарарсизлантиради. В гуруҳ витаминларининг ҳосил бўлишида лавлагидаги кобалт микроэлементи ҳал қилувчи рол ўйнайди, у фолий кислотаси билан бирга доим янгиланиб турувчи қизил қон таначалари, яъни эритроцитларнинг ҳосил бўлишида қатнашади.

Қишда тўғри овқатланиш. Куз тугаб қиш кириши билан одам организмда қатор физиологик ва биокимёвий жараёнлар тегишли ўзгаришларга учрайди. Бунинг асосий сабаби куннинг қисқариши, ҳароратнинг пасайиши, ёруғликнинг, шу жумладан, ултрабинафша нурларининг камайиши ҳамда атмосфера босимидаги ўзгаришлар ва бошқалар. Бу омиллар вужуддаги моддалар ва энергия алмашинуви жараёнларини пасайтиради, серотанин гормони ишлаб чиқаришни камайтиради. Натижада умумий ҳаракат фаолияти сусланиб, кайфият ҳамда меҳнат қилиш қобилияти сусаяди. Бундай ҳолатларнинг яхшиланишида истеъмол қилинадиган таомлар ўзининг таркиби ва миқдори билан организм талабларига тўлиқ жавоб берса, икки-уч ҳафта ўтиши билан вужуд қиш фаслига мослашиб кишининг кайфияти кўтариледи, меҳнат қилиш қобилияти тикланади. Бошқача айтганда, қиш ойлари бошланиши билан “қишки” овқатланишга ўтиш лозим. Қишда тўғри овқатланиш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш тавсия қилинади.

Биринчидан, истеъмол қилинадиган таомлар таркибидаги умумий энергия тегишли миқдорда кўпайтирилиши лозим. Овқатланишда гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, балиқ, куз ва ёздагига нисбатан бирмунча кўпайтирилиб, умумий углеводларнинг миқдори эса мос ҳолда камайтирилиши керак. Агар организмга зарур оқсиллар қабул қилинмаса, авало вужуднинг иммун тизими зарарланиб, ҳар хил юқумли касалликларга қарши курашиш қобилияти пасайиб кетади. Иложи борича ҳафтада бир-икки марта балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиб турилиши керак. Гўшдан ташқари, пишлоқ еб туриш ҳам қиш кунлари танани керакли

оқсиллар билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Организмни тегишли оқсиллар билан таъминлашда турли дон маҳсулотларидан тайёрланган егуликлар, шу жумладан, нон, ёрмалар анча қўл келиб, улар организмни ҳам энергия, ҳам иссиқлик билан таъминлайдиган секин ҳазм бўлувчи углеводлар ва озик толаларига бой бўлади. Қишнинг совуқ кунларида ота-боболаримиз эрталаб нонуштага ошқовоқ, сут ва ёғ солиб тайёрланган ширкади нўхат, қуритилган ўрик солиб пиширилган ёрма ҳамда буғдой уни, сут, ёғ қўшиб қайнатилган аталалардан кенг кўламда фойдаланган. Бундай таомлар бир неча соатлар давомида организмни иссиқ сақлаб яхши меҳнат қилишга ёллаган. Чунки улар таркибида вужуд учун керакли бўлган оқсиллар, ёғлар, маъданли моддалар етарли даражада бўлган. Шунини ҳам айтиб ўтиш жоизки, қиш ойлари истеъмол қиладиган таомлар таркибидаги энергия берувчи моддалар бажариладиган ҳатти-ҳаракатларга нисбатан бирмунча кўп бўлганлиги учун кўпчиликда тана массасининг бир неча килограммга ортиши ҳам кузатилади. Бундай ҳолат қиш ўтиб баҳор келиши билан жисмоний ҳаракатларнинг кўпайиши, куннинг узайиши боис ўз ўрнига қайтиб, тана массаси яна меъёрга тушади.

Иккинчидан, қиш таомномасида витаминлар етарли миқдорда бўлишига эътибор бериш керак. Бунинг учун маҳаллий шароитда етиштириладиган кўкатларни таомлар билан қўшиб ейиш, қуритилган итбурун, ўрик, шафтоли, олма ва бошқа шунга ўхшаш мевалардан тайёрланган компотлар истеъмол қилиб туриш лозим. Қиш ойларида витаминлардан С витаминига бой бўлган маҳсулотлардан одатдагига қараганда кўпроқ истеъмол қилиш моддалар ва энергия алмашинувини яхшилаш билан бир қаторда турли хил вирусли юқумли касалликлардан ҳимояланишда муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, қиш ойлари организмнинг сув режимига ҳам эътибор бериш лозим. Қишда камроқ сув истеъмол қилиш керак деган айрим фикрлар унчалик тўғри эмас. Қиш ойларида ҳам одам ўртача сув, чой, компотлар кўринишида 1,5 л гача сув ичиб туриши меъёр ҳисобланади.

Тўртинчидан, қишда истеъмол қилинадиган таомларнинг тегишли даражада иссиқ бўлиши, итбурун, дўлана, олма, шафтоли, ўрик қоқиларидан тайёрланган иссиқ компот истеъмол қилиниши муҳим. Яна суюқ, иссиқ овқатларга ҳар хил иситувчи компонентлардан, жумладан, мурч, қалампир, занжабил каби аччиқлардан қўшиб истеъмол қилиш тананинг анча иссиқлигига олиб келади.

Бешинчидан, қишда таомларнинг хилма-хил бўлиши бошқа фасллар сингари организм соғлиги учун ҳамда иш қобилиятининг юқори бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Эрталаб ейиладиган бўтқаларнинг доим бир хил

бўлмасдан ҳар хил маҳсулотлардан тайёрланиши, ноннинг ҳам қора, оқ бўлиши, юқорида айтилганидек, ошқовоқ солиб тайёрланган таомлардан, ёрмалардан фойдаланиш қиш пайтлари танани тегишли озиқ моддалар билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

5. БИРГАЛИҚДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ТАВСИЯ ЭТИЛМАЙДИГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Овқатланиш тартиби ва рационал овқатланиш борасида сўз юритганда фақатгина истеъмол миқдори, вақти ва муддатларигагина эътибор қаратиш етарли эмас. Бунда истеъмол жараёнида танаввул қилинадиган маҳсулотлар турлари, уларнинг таркиби ва бир-бири билан мос тушуши каби омиллар ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Қуйида бир вақтда биргаликда қўшиб истеъмол қилиниши тавсия этилмайдиган маҳсулотлар турларини келтириб ўтамыз:

- сут билан хўл мевалар;
- ёғли таомлар ва ширинлик;
- балиқ билан сут ва қатик;
- балиқ билан хўл мевалар;
- балиқ билан сумалак;
- балиқ билан тухум;
- тухум билан сут-қатик;
- совуқ ичимликлар билан иссиқ таомлар;
- оғир ҳазм бўладиган таомлардан кейин тез ҳазм бўладиган таомлар емаслик (гўштнинг устидан нок).

Совуқ сув ичиш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- Наҳорда (уйқудан тургандан ичиш);
- Иссиқ ҳаммом қабул қилгандан сўнг;
- Иссиқ таом орасида;
- Иссиқ об-ҳавода (терлаб турганда);
- Жамодан кейин. (жинсий яқинликдан сўнг);

Бу ҳолатларда танада ички иссиқлик кучайиб, баъзи аъзолар қизиб туради. Масалан, жигар, ошқозон, тиш, оғиз бўшлиғи. Совуқ сув таъсирида қизиб турган аъзо ўзига совуқни кўп тортиши натижасида қўйидаги касалликлар келиб чиқиши мумкин:

- жигар циррози;
- ошқозон-ичак яллиғланиши;

- дисбактериоз;
- тиш кариеси;
- қизилунгач ва оғиз бўшлиги шиллиққавати шикастланиши

6. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪМИ ВА УНГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯТЛАРИ, ФОЙДАЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Инсон истеъмол қилаётган маҳсулотларининг табиий хусусиятлари борасидаги маълумотларга эга бўлиши тўғри ва саломатлик ҳолатини инобатга олган ҳолда овқатланишда асқотади. Шу сабабли таом ва маҳсулотларнинг табиий хусусиятлари борасидаги фикримизни мантиқий давоми сифатида қуйида таъми ва унга боғлиқ бошқа жиҳатлар борасида тўхталиб ўтамиз.

Ширин таомлар.

Сут, қовун, узум, хурмо, шакар ва ширинлик турларининг барчаси.

Фойдалари: танани озиклантириб, қоннинг сифатини яхшилайти, мушакларни бақувват қилиб, суяк ва бош мия фаолиятини тиниклантиради. Эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтиради. Кўз ва сочга фойда қилади, юз рангини тиниклаштириб, сезги аъзоларини ўткирлаштиради.

Зарари: кўп истеъмол қилганда ошқозонда ҳазм сусайиб кунгил айниши ва қайт қилишни юзага чиқаради. Ошқозонда тез бижғиб овозни бўғади ва ичакларда оғриқ пайдо қилади. Сийдик йўлларидаги касалликларни кўзғайди.

Нордон таомлар.

Лимон, нордон анор, сирка ва сметана.

Фойдалари: ошқозондаги ҳазмни яхшилайти, иштаҳани очади. Кўпгина мизож ўзгаришларига фойда қилади.

Зарари: ошқозон ва томоқни куйиштиради, тишни қамаштириб, кўзни хиралаштиради. Синган суяклар битишини секинлаштириб, бўғимларни кучсизлантиради ва оздиради.

Шўр таомлар.

Ош тузи.

Фойдалари: тозаловчи, иштаҳа очувчи, кайфиятни кўтарувчи. Ҳазмни яхшилаб, ортиқча ва қаттиқ нарсаларни ичакларга чиқаради. Танани юмшатиб, зарарли чиқиндилардан тозалайти. Энг кучли таъмлардан бўлиб, бошқа таъмларни босиб кетади.

Зарари: кўпикли моддалар тўғдириб, ичакларда ҳаво пайдо қилади. Кўз оғриғини келтириб чиқаради, ошқозонда кекириш ва зардани кўзғайди.

Ўткир таъмли таомлар.

Соус, памидор икриси.

Фойдалари: иштаҳани қитиклаб, ҳазмни яхшилайти ва ошқозонда бўзилган хилтларни чиқаради. Шиш ва балғамда фойдаси бор. Табиати совуқ ва куруқ.

Зарари: бўғимларни кучсизлантириб, бадандаги ёғни эритади. Қўл ва оёқлардаги оғриқларни кўзғайти. Оғиз ва танглайни қурутиб юракни кучсизлантиради ва юрак ўйноғини кўпайтиради. Жуда кўп истеъмол қилиш бош оғриғини пайдо қилиб, кайфиятни туширади ва диққатни камайтиради.

Аччиқ таъмли озуқалар.

Қалампир, мурч.

Фойдалари: баданда бўзилган хилтларни ҳайдайти, балғамни камаййтириб, ортиқча ёғларни эритади ва баданни қизитади. Иситма бош айланишига фойда қилади. Сийдик ҳайдаб терлатади ва бошқа ажралмаларни ҳамкўпайтади.

Зарари: қон томирларни хотиради, оғиз таъмини бўзиб бош оғриғини юзагачиқаради ва сафрони кўпайтади. Эмизикли аёлларда сутни камайтиб, танани оздиради. Қонни бўзади, йўғон ичак, буйрак ва простата касалликларини кўзғайти. Баданни қичитади, лабни қурутиб, оғизни куйиштиради.

Буриштирувчи таъмли таомлар.

Жийда, гулламайдиган мевалар.

Фойдалари: қуритади, кувватлайти, шунинг учун ич кетишга фойда қилиб, яраларни битқзади.

Зарари: ўтхалта ва кўкракда оғриқ кўзғатади ва чанқатади. Қоринда ҳаво пайдо қилиб, овозни бўғади.

Тавсия: ҳар бир таъмнинг зарарини кетказиш учун унга қарама-қарши таъм билан муолажа қилинади.

А. Асли бир-бирига қарама-қаршитаъм билан муолажа қилинади: шўр ва нордон.

Б. Биринчисининг кучидан иккинчисининг даражасини ошириш билан: шириннинг устидан нордон ёки нордоннинг устидан ширин.

7. ПАРҲЕЗ ОВҚАТЛАНИШ

Парҳез бу маълум бир касалликни даволаш жараёнида зиён қиладиган озуқаларни истеъмол қилишдан сақланишдир.

Парҳез овқатлар билан даволашнинг муҳим жиҳати агар касал даволаниш жараёнида танасига зиён қиладиган таомларни еса дорининг таъсири йўққа чиқади ва касали оғирлашиб кетади ҳамда мизожни ростлаш мумкин бўлмай қолади. Масалан: шакар ейиш. Қандли диабетга чалинган касал табиб ман қилган нарсаларни еяверса, касали оғирлашибгина қолмай, ҳаёти ҳам хавф остида қолади. Мия-қон томир касалига галинган бўлган инсон ҳайвонот мойини давомли еса мия томирлари тўсилиб, фалажлик келиб чиқиши мумкин. Демак, парҳез касалликни даволашнинг ярмини ташкил қилади.

Парҳез буюриш, касалга ишлатиладиган дори ва таомларнинг шифо унумини юқори кўтариб, касал оғирлашиб қолишининг олдини олишга, даволаш жараёнини қисқартиришга, мизожни тезроқ меъёрлаштиришга, бадан қувватини жадал аслига келтириб, саломатлиги яхшиланишига ёрдам беради.

Парҳез буюришнинг муҳим жиҳатлари кўйидагилардани борат:

Иситмали касалларга - гўшт, ёғ, тухум, шакар, турли пишириқлар ва қовурилган овқат ҳамда каллапачалардан тийилиш буюрилади.

Қон босими юқори ва мия қон томири хасталигига дучор бўлган кишиларга ҳайвонот ёғи, семиз гўшт, тухум, сариеғ, чигит ёғи, сигир гўшти каби таомлардан парҳез қилиши лозим.

Асаб касаллар, уйқусизликка учраганлар куюқ чой, қахва, аччиқлар, сирка, чучмал таъмли овқатлар ва ўткир ичимликлардан парҳез қилмоқликлари лозим.

Юрак касали бор кишилар семиз гўшт, тухум, ҳайвон мияси ва ўткир таомлардан парҳез қилмоқлари лозим.

Ўпка касали бор кишилар аччиқ, сирка, тамаки, иссиқ овқатлар, ўткир ва чучмал таъмли таомлардан парҳез қилишлари лозим.

Ошқозон ва ичак касалликлари бор кишилар қаттиқ, аччиқ, ва чучмал таъмли емаклардан, чигит ёғи, хўл мевалар, сомса, гўштли нон, қовурма манти, лағмон каби овқатлардан парҳез қилмоқликлари лозим.

Жигар касали бор кишилар, ёғ, семиз гўшт, калла почча, сирка, аччиқ ва ўткир таомлардан, баъзи мева майиз кабилардан тийилиш буюрилади.

Ўт халтаси яллигланган ва ўтида тоши бор касаллар- тухум, семиз гўшт, ҳайвон ёғи ва ўткир таомлардан сақланиш буюрилади.

Буйрак касали борлар тузни кўп истеъмол қилишдан, юқори сифатли бугдой уни ва гўштли овқатлардан сақланмоғи лозим.

Қандли диабет касали борларга кепаксиз буғдой уни, қанд-курс ва барча ширин таъмли мева-чевалардан парҳез қилиш ҳамда кўп истеъмол қилмаслик

буюрилади.

Сўнгак, бўгин касалига йўлиққанлар, олма, ўрик каби елли мевалардан, гўшт, айниқса, сигир гўшти, пиёз, аччиқ, сув, чигит ёғи кабилардан сақланиши, майда бўгин оғриғи борлар юқоридагилардан ташқари, жигар буйрак кабиларни ҳам истеъмол қилмасликлари лозим.

Тери касалликларига чалинганлар, чигит ёғи, сигир ва эчки гўшtlари, аччиқ чучмал таъмли овқатлардан парҳез қилмоқлари лозим.

Парҳез буюрилган касалларга зиёнли нарсалардан парҳез қилинаётган даврда касалнинг яхшиланиши учун фойдали бўлган озуқаларни мувофиқ миқдорда орттириб бориш тавсия қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш концепциясини ва чора тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. Тошкент ш., 2015 йил 29 август, 251-сон
2. Ўзбекистон Ресаубликаси Президентининг “Ўзбекистон Ресаубликасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.
3. Ken Albala, Editor. Food Cultures of the Word Encyclopedia. ISBN 978-0-313-37626-9 (hard copy: alk. paper) — ISBN 978-0-313-37627-6 (ebook). Americas. Copyright 2011.
4. Каримов Ш. ва бошқалар. Соғлом овқатланиш - саломатлик мезони. Тошкент: 2015й. -388 б.
5. Қурбонов Ш., Қурбонов А. Тўғри овқатланиш қоидалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2014. – 229 б.
6. Ганицкий И. Д. Диетические блюда. – М.: Экономика, 1995. –351с.
7. Т.Худайшукуров, И.Шукуров. Оқилона овқатланиш асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд, “Зарафшон”, 2007 й. 170 б.
8. Фурс И. Н. Технология производства продукции общественного питания / Учебное пособие. – Минск, ООО «Новое знание», 2002. – 545.
9. Химия пищи. Кн.1. Белки, структура, функции, роль в питании. / И. А. Рогов, П. В. Антипова, Н. И. Дунченко, Н. А. Жеребцов. –М.: Колос, 2000. – 384.
10. Худайшукуров Т., Мухаммадиев М., Каримов М. ва бошқалар. Озиқ-овқат кимёси: Ўқув қўлланма. – Самарқанд, СамДУ нашр – матбаа маркази, 2002. – 173.
11. Қурбонов Ш.Қ. Овқатланиш маданияти. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 209 б.

Интернет сайтлари

1. referat.arxiv.uz/index.php?do=files&op=download/. Ўзбек миллий суяқ ошлари. Узбек миллий қуюқ таомлари
2. beka.uz/pazandalik/taomlar
3. pazanda.ucoz.com/news/1-0-1
4. library.ziyonet.uz/ru/book/download/13171
5. mobinfo.uz/prilozhenie-O`zbek-millij-taomlari-skachali-bolee-100-tys-raz.html

Самарқанд Иқтисодиёт ва
сервис институти. Институт
босмохонаси, Шоҳрух кўчаси, 60

Буюртма № 111
Ҳажми 3 б.т.
Адади 20 нусхада